




ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 21 сентябр, сешанба № 132 (779)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АНЪАНАВИЙ ТЕННИС ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ



нис турнирининг жуфтлик ва яқка тартибдаги финал учрашувлари бўлиб ўтди. Аввал, «Юнусобод» спорт мажмуининг марказий кортида ҳамюртларимиз Олег Огородов ва швейцариялик Марк Россе жуфтлиги билан америкалик Марк Кайл ва швейцариялик Лоренцо Манта ўртасидаги финал учрашуви ўтказилди. Узро тенг курашда ўтган ўйинда О.Огородов ва М.Россе 7:6, 7:6 ҳисобида галаба қозонди. Бу муваффақиятнинг аҳамияти шундаки, биринчи бор Ўзбекистон вакили ЭЙТиПИ тур доирасидаги турнирда голдлар сирасига кирди. О.Огородовнинг зафари мамлакатимизда спортнинг бу тури тобора ривожланиб бораётганлигининг яна бир намоёни бўлди.



Олтинчи бор ўтказилган «Президент Кубоги» турнири ниятисига етмоқда, деди Йўлбошимиз. Мана шу беш кун давомида биз ҳаммамиз бу кортларда ўтказилган учрашувларни катта қизиқиш билан томоша қилдик.

Ислоҳ Каримов мусобақалар жуда юксак даражада ўтказилганлигини таъкидлаб, бу ишга ҳисса қўшган барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдирди.

Бу мусобақаларнинг даражаси, мавқеи, авваламбор, унда жаҳон теннис олузларининг иштироки билан белгиланади, деди Президент. Шу боис, турнирда қатнашган барча катта теннис усталари - Е.Кафельников, Г.Русседски, К.Кучера, Д.Вацек ва бошқаларга ташаккур изҳор этаман. Шу билан бир-

га ўзининг ажойиб ўйини билан барчани хайратга солган ёш теннисчиларнинг турнирдаги муваффақиятли иштирокини алоҳида қайд этмоқчиман. Уларнинг жаҳон теннис майдонида ўз ўрнини эгаллаш истига билан кўрсатган чиройли ўйинлари турнирга ўзига хослик бахш этди.

Мамлакатимиз раҳбари барча теннисчиларимизга Президентнинг муваффақиятлари билан миннатдорлик билдирди.

Менимча, бу мусобақаларда мағлублар йўқ, деди Юртбошимиз. Чунки, узоқ-қиндан келиб турнирда иштирок этган спортчилар халқимизнинг теннис мухлисларининг эътиборини ҳис этдилар, улар орасида ўзларининг минглаб ишқибозларига эга бўлдилар. Бу - уларни-

н катта ютуғидир.

Давлатимиз раҳбари мусобақаларнинг бундай юксак савияда ўтишини таъминлаган турнир ташкилотчилари, ҳакамлар, ўйинларни кенг ёритган оммавий ахборот воситалари ходимларига миннатдорлик билдирди.

Ислоҳ Каримов «Президент Кубоги» Халқаро теннис турнирининг голлиби Николас Киферга бош совринни топширди. Н.Кифер бундай нуфузли турнирнинг бош ташкилотчиси - мамлакатимиз Президентига самимий ташаккур изҳор этди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари финал иштирокчиси Жорж Бастиага турнирнинг махсус совринини топширди.

Бехзод УСМОН, ЎЗА мухбири

ли фан ютуғлари ҳамда ақлга сиймайдиغان ҳодисаларни кўрсата оладиган одамлар иштирок этишлари мумкин эди. Лекин намоёниш этиладиган мўъжиза албатта илмий эксперимент назорати шароитида ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмайдиган даражада аниқ кўрсатилиши шарт қилиб қўйилди.

Мукофот эълон қилингандан кейин 260 та жисмоний шахслар ҳамда турли ташкилотлар бу муаммони ечилишига қизиқиб, Д.Ренди фондига ўз маблағларини ўтказдилар.

Янгиюл ер-мой ҳиссадорлик жамияти касабасида уюшма кўмитаси меҳнатчилар манфаатини ҳимм қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда республика мабуотида эълон қилинаётган ҳуқуқшунослар ва бошқа мутасаддиларнинг мақолаларидан унумл фойдаланмоқда.

Суратда: Корхона касабаси уюшма кўмитаси раиси Ҳамида Абдусатторова фаолларни ҳуқуқ муҳофазасига олимақдас билан таништирмоқда.

О.АЛМАТОВ олган сурат

Пойтахтимиз Тошкентда дунёнинг 26 мамлакатидан 80 га яқин спортчи иштирок этган «Президент Кубоги» Халқаро теннис турнири якунланди. Жаҳоннинг энг таникли теннис усталари беш кун давомида бош соврин учун кураш олиб бордилар. Ўйинларнинг ўта мурасиз ўтганлигини, барча турнир катнашчиларининг умумий маҳорат даражаси юқори эканлигини шундан билиш мумкин. ЭЙТиПИ таснифига энг юксак поғоналарни эгаллаган ақсарий теннисчилар дастлабки давралардаёқ мағлуб бўлди. Бу эса турнирнинг мавқеи нақадар баланд эканлигининг яна бир ифодасидир.

18 сентябр кун «Президент Кубоги» халқаро тен-

Маълумки, ота-боболаримиз меҳнат фаолият ҳаракатда ўтказганлар. Ҳозир эса кишилар орасида кун сайин ортиб бормоқда. Жисмоний меҳнат шаклларнинг камҳаракатлигига (гипокинезияга), олиб келади. Маълумки, мушаклар ҳаракати турли ладан, асаб фаолиятининг нормал ишлашини таъминлайди.

Кишининг асаб фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири инсон бош миёнага келаётган ахборотларнинг ниҳоятда кўпайиб кетишидир. Бу эса инсонда янгиликларни пухта ўзлаштириш учун куч-қувват сарфлашини, асаб зўриқишини тақозо этиб, тез чарчаб, унинг бир тарзда нормал ишлашини издан чиқаради. Бунинг натижасида кўпчилик одамлар асаб касалликларига учрайдилар.

Киши организмидеги қайси бир аъзо зўриқиб ишласа, тез даргда чалинади. Бу табиат қонуни. Асаб бузилиши дарди тиббиётда невроз (асабийлик) касаллиги деб аталади, унинг невроз, психастения, миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози, истерия каби турлари кўпроқ учрайди.

Кўпинча невроз касалликлари асаб тизимининг заифлашуви натижасида ривожланади. Жис-

мон заифлашуви олиб келади.

Одамнинг шахсий, оилавий ва ижтимоий ҳаётида унинг руҳиятига етадиган ҳар хил шикастлар кўпинча невроз касалликларининг вужудга келишида роля ўйнайдиган иккинчи омилдир. Бунда теварак-атрофдаги одамларнинг муноса-

бати гоёт муҳим аҳамиятга эга. Асаб тизими заифлашган киши ҳар хил танбехларни ўзига жуда қаттиқ олади, бундай танбехлардан у жуда эзилди. Дил оғриши, ранжиш асаб тизими заифлашгани, ҳолдан тойганининг биринчи белгилари ҳисобланади.

Масалан, ўтмишда бошдан кечирилган эмоционал ҳаяжон кўп йиллардан кей-

ТЕРИМ СУРЪАТИ ОРТМОҚДА

380 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмони уйиш шавқи билан меҳнат қилаётган сурхондарёлик пахтакорлар йиғим-терим суръатига суръат қўшмоқдалар. Улар бугунгача топширган ҳосил қарийб 150 минг тоннага етди.

Вилоятда кунлик пахта териш суръати, яъни ҳосил тайёрлаш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча юқори. Сароисий, Узун, Денов, Қумқўрғон, Шўрчи туманларида кунига йиллик режанинг 3-4 фоизи миқдорда пахта тайёрланмоқда.

Далада ишловчиларга ўз вақтида иш ҳақи тўлаб борилаётгани, қулай маданий-маиший шароит яратилгани йиғим-теримни жадаллаштириш имконини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ОИД

Уш вилоятнинг жанубида вазиет мураккаб ва кескинлигича турибди. Жангарилар тудаларининг Қирғизистон Республикаси ҳуқуқат қўшинлари бўлиналарига қарши ҳаракатлари авж олаётганини қайд этилмоқда.

Шу йил 18 сентябрда

100-120 нафарга яқин жангари Сирт аҳоли пункти яқинида ҳуқуқат қўшинларининг бўлиналарига эгаллаб турган жойга ҳужум қилди. Жангарилар орасида ўлдирилганлар ва ярдорлар, қишлоқ аҳолиси орасида қурбонлар бор, вайронагарчиликка ҳам йўл

қўйилган. Жангарилар 6-8 километр масофага, Тескей аҳоли пункти томонига чекинди.

Тўқнашув бўлган жойларни текшириб қўздан кечиринг чоғида бир бандитнинг мурдаси топилди.

(Давоми 2-бетда)

«ҲИЗБУТ-Т-ТАҲРИР» ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИЛДИ

Кумқўрғон тумани прокуратураси Сурхондарё бўйича динни никоҳ қилиб, соддадил ёшларни йўлдан урётган экстремистик оқимга мансуб ёвуз кучларни аниқлаш, уларнинг илдизига болта уришда намуна бўлмоқда.

Мухбиримизнинг туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Бахтиёр МУМИНОВ билан суҳбатшу хусусида.

«Ҳаётда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга синчков муносабатда бўлиш, тинчлигимиз, осуда ҳаётимизни кўз қорачиғидек асраш, кўчамизда пайдо бўлган ҳар бир кимсага қарши бўлмаганлигини одатий ҳолга айланганлиги орқича изох талаб қилмайди. Ҳа, бир сония ҳам лоқайдликка, бўшашувчанликка йўл қўймайлик керак. Табиийки, Москва воқеалари барча қатори Ўзбекистон фуқароларини ҳам гоёт ташвишга солмоқда. У ерда террор яна бир бор ўзининг жирканч башарасини намоян қилмоқда. Энг ташвишлиси, ёвузлик оқибатида тамоман беғунош кишилар, ҳатто болалар, хотин-қизлар қурбон бўлмоқдалар.

Бу воқеалар узоқда, ўзга мамлакатда содир бўлаётган, уларнинг бизга алоқаси йўқ, деган нотўғри тушунача бормаслигини билишга, қишлоқлардаги маънавий-руҳий муҳит билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдим. Прокуратура ҳамда ички ишлар ҳодимлари билан мавжуд 14 та ҳужалик, 7 та фуқаролар

ийгини ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Оқишасига мулоқотлар, савол-жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, авваллари бу каби ишлар ўз холига ташлаб қўйилган. Маммурий органлар фаолиятида изчиллик, қатъиятлик етишмаган. Асосий касал мутасаддилар кабинетларда ўралашиб, оммадан узоқлашиб қолишган. Боз устига кўп ерларда «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қалбида иш юритилиши оқибатида ёвуз кучларга ён берилган. Ярим чекада пайдо бўлувчи кимсалар, кимларнингдир уйда тез-тез «мехмон» бўлаётганлар билан лозим даражада қизиқилмаган. Энг ачинарлиси, балик бошидан деганларидек, баъзи эл оғаларининг ўзлари қонунга ҳилоф равишда иш юритиб, сувни лоқалатиб келишган. Бундай кимсаларнинг шахсий манфаат атрафиде ўралашиб қолганликлари, сиёсий хушёрликни йўқотганликларидан қора кучлар устамонлик билан фойдаланишган. Қишлоқдаги айрим гўр ёшларга ўз таъсирларини ўтказишган.

Белгиланган режа асосида қатъий ҳаракат қилинганда, тахминларнинг кўли тўғри бўлиб чиқди. Мана бунга мана дейсиз? «Кумқўрғон» ҳужалигидаги Арслонбойли қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бур-

хониддин Султоновнинг хонадонидан 16 қолибри курол топилди. Узро суҳбат жараёнида зиммасига катта масъулият юклаган кимсаларнинг маънавий қиёфаси, тушуночлиги, орзу-интилиши очиги, бизни гоёт ҳайратга солди. Ахир, қандай қилиб, одамлар, ёшлар тақдирини бундай кимсаларга топшириш мумкин? Ҳуқуқатимиз, хусусан, муҳтарам Президентимиз ўз-ўзини бошқариш органлари вакилларига сунган, уларга кенг имкониятлар, имтиёзлар яратиб, ҳурматини жойига қўйса-ю, уларнинг базилари ана шундай нобоб бўлиб чиқишса. Демак, масъул вазиёга кадр танлаётганда қайта-қайта унинг маънавияти, сиёсий етуклиги, эътиқоди имтиҳон қилиниши керак. Бундай «эл оғалари фаолият юритаётган жойларда ёвуз кучлар илдиз олмайди, деб ҳеч ким қафолат беролмайди.

«Ҳизбут-т-таҳрир» оқимига мансуб экстремистик руҳдаги кимсаларнинг баъзи тақрибасиз, эътиқоди суст ёшларга ўз таъсирини ўтказганлигини қандай изохлайсиз?

«Яна ўша лоқайдлик, ўз мансабини суиестеомол қилишлар ҳақида уйлаб кетаман. Шундай ота-оналар борки, улар фарзандларининг тақдирини билан қизиқмайди. Уларнинг бе-

мақсад кўча тентирашлари, шубҳали кимсалар билан ошно бўлишлари, баъзида кунлаб йўқ бўлиб кетишлари ҳеч кимни ҳавотирга солмаган. Маҳалла ҳам, юрт оғалари ҳам жим юраверишган. Бир болага етти кўни-кўшини ота-она, деган нақл унутилаётганини кўп нарсани англатади. Акс ҳолда Боймоқли қишлоқда яшовчи Шерзод Холлиқов ҳам бемалол уйда ўн олти қолибри миллионли сақлаб келмаган бўларди.

Яширмайман, бир нарса мени прокурор сифатида гоёт ташвишга солди. Ҳаёт, одамлар билан чуқуқроқ танишганим сари бу ерда «Ҳизбут-т-таҳрир» оқими таъсирига берилганлар анчагина борлигига ишонч ҳосил қилдим. Қасофатнинг ҳавфли томони ёшлар онгини захарлаб, қасам ичириб, йўлдан уриш бўлган. Яъни ёвузлар дин никоҳи остида ҳаракат қилиб, қармоғига илчинган йиғитларни ўз Ватанига, ўз миллатига, боиринкига ўз жиғарлигига қарши иш олиб борадиган манкуртларга айлантириш пайида бўлганлар. Пировард натижада аҳоли ўртасида парокандалик, ваҳима уйғотиш,

(Давоми 2-бетда)



ЎЗБЕКИСТОН-ОСИЁДАГИ ЕТАКЧИ ТЕННИС МАМЛАКАТИ

Тошкентда, Олимпия шон-шухрати музейида Осиё теннис уюшмасининг президенти Иичи Каватей билан учрашув бўлди.

Мамлакатимизнинг меъморий марваридлар - қадимий Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари, мустақилликка эришилгандан сўнг ҳаётнинг барча соҳаларидаги муваффақиятлари билан мени мафтун қилди. Аммо мамлакатимиз теннисчиларининг йиллик мусобақаларидаги муваффақиятлари, Ирода Тулагановнинг бу йил Уимблдондаги галабаси айниқса дол қолдирмоқда.

Республикангизда тенниснинг тез ривожланаётган диққатга сазовордир, бу ерда қисқа вақт ичида барча халқаро талабларга мос келадиган теннис мажмуалари қурилган. Тошкентта биринчи марта теннис бўйича «Президент Кубоги» учун халқаро турнир ўтказилаётган пайтда келдим, жаҳон спорт ҳамжамиятида бу турнир жуда нуфузли ҳисобланади.

Иичи Каватей, Ўзбекистон теннис федерацияси билан ҳамкорлик режалари тўғрисида гапириб, теннисни ривожлантиришда Марказий Осиё минтақасида пешқадамлик қилаётган Ўзбекистон спортининг бу турида бундан-буён ҳам муваффақиятларга эришуви учун, бутун Осиё минтақасида теннисни тарғиб қилишга ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўиши учун Осиё теннис уюшмаси ҳамма ишни қилишини айтиди.

Таникли боксчилар, фигурали учувчилар ва бошқа спортчилар суратларини кўриб, Олимпия шон-шухрати музейини томоша қилганимдан сўнг музейингиз стендларидеги теннисчиларнинг машҳур теннисчиларни фотосуратларини кўриш истига тўғри келди. Жуда тез орада теннисчиларингиз ана шундай шароитга муассас бўлади, деб ўйлайман.

Осиё теннис уюшмасининг президенти Ўзбекистон теннис федерацияси ижрокүмининг аъзоси Рустам Шоабдурахмонов Осиё теннис уюшмаси ижрокүмининг аъзоларига сайлангани, бу эса Ўзбекистоннинг теннисни ривожлантиришдаги хизматлари тан олинганини ифодаси эканини айтиди.

«ҲИЗБУТ-Т-ТАҲРИР» ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)
мамлакат конституцион тузумига таъжуб қилиш асосий мудоао эканлиги сир эмас.
-Дин никоби остида ҳаракат қилган нияти қора кимсалар қайси туманларда кўпроқ учради?
-Ярамас оқим тарғибчилари билан суҳбатлашганимизда уларнинг Ватанга садоқат, миллат шавқи, манфаати, она юрт муътабарлиги каби муқаддас тушунчалардан тамоман маҳрум эканликларига ишонч ҳосил қилдик.
Вазият гоътада нозик эди. Боиси муайян гуруҳ,

куч сифатида шаклланган экстремистик оқимлар ўз «фаолияти»ни олиб бораётганлиги асосан Денов, Сарисийе, Бандихон, Жарқўрғон, Музробод, Шеробод, Ангор туманларида учради. Бу ҳақда вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси мутасаддиларига ахборот бериб, ўз тақлифларимизни баён этдик. Ҳамжихатликда ўта қатъиятлик билан изчил тадбир-чоралар амалга оширилди. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Асосий эътибор экстремистик гуруҳларга ҳайрихоҳлик кўрсатиши мумкин бўлган кимсаларни

аниқлаш, ёвузлик илдиизи болта уришга қаратилди.
Яна бир эътиборли масала. Аҳоли ўртасида парокандалик, ваҳима уйғотишга қаратилган, диний экстремизм гоъларига билан суғурилган, омма онгини захарловчи адабиётлар, турли хилдаги варақалар сақлаётган, уларни тарқатиш билан шуғулланаётганларга нисбатан шафқатсиз кураш бошладик. Мухим ишда аҳоли, уруш ва меҳнат фахрийлари катта ёрдам кўрсатдилар. Натихада қисқа вақт ичида жиноятчиларнинг кўпи аниқлашиб, улар устидан жиноий иш кўзгатилиди. Қарангки,

ҳавфли фаолият билан шуғулланиб келганлар Қумқўрғондаги «Кумқўрғон», Н.Мирзаев номли, Деновдаги «Наврўз», Сарисийедаги Бобур номли, шунингдек Шеробод, Бандихон, Музробод туманлари ҳужаликларига яшовчи 18-26 ёшдаги фуқаролар экан. Буларнинг ҳаммаси бизни ўйлашга, мушоҳада юриштиришга, тўғри хулосалар чиқаришга ундайди.
Ҳозирги кунда прокуратура, ички ишлар бўлими ходимлари кеаю-кундан тиним билмай ишлар мотдалар. Изчиллик, қатъиятлик, бурчага садоқат туфайли диний экстремистик гуруҳ ташкилотчилари

- вилоят бўйича битта масъул, унинг тўрт нафар нақиб, ўн нафар мушриб ва алданган олтимиз нафардан ортиқ дорислар аниқланиб, уларнинг пайи қирқилди. Йигирма киши қамоққа олинди. Ҳозирда вилоят прокуратураси бошчилигида туманда тергов гуруҳи штаби тузилиб, ёвуз кучларни орамиздан узил-кесил йўқотиш учун ҳаракатлар олиб борилмоқда.
- Одамларнинг кайфияти, бўлаётган воқеаларга муносабати қандай?
- Кечаги биз, бугунги биз эмасмиз. Одамлар дўсту душманни яхши аж-

ратиб олишди. Улар гўзал ҳаётимизга, осуда турмушимизга раҳна солмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қақшатқич зарба беришга, лозим бўлса Ватан учун иккиланмай жонни тикшига тайёргимиз, дейишмоқда. Қирғизистоннинг Боткен туманидаги воқеалар барчани ҳақли равишда ўйлантирмоқда, ташвишлантирмоқда.
- Ҳеч ким, ҳеч қачон бизни саросимга сололмайди, - дея кўпчилигини фикрини ифодалайди 80 ёшли Жума ота Норқобиллов. - Чеғараларимиз мустақкам, жасур Президентимиз, қудратли Қуролли кучларимиз тинчлигимизни сақлаб тоғдек туришибди.

Менинг олти нафар ўғлим бор. Улар ҳам лозим бўлса, ўша захоти аскарларимиз сафига кўшиладилар. Ўз юртини жон-дилдан севган, гурурли халқи ҳеч ким енга олмайди. Террорчи гуруҳлар, уларнинг ортида турган кимсалар нима қилиб бўлса-да, Урта Осиё минтақасида нотинчликни юзга келтириш, халқлар ўртасида адоват уругини сочишга уринаётганликларини яхши биламиз. Хомтама бўлишмасин, ёвуз ният асло амалга ошмағай.
Отаҳоннинг бу дил сўзлари барчанинг юрагидаги гапдир!
Суҳбатдош: Мирғибс ҚАЮМОВ.

«БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНЛАРИМИЗ»
Ёшларни ижтимоий фаолиятини ошириш, миллий истиқлол гоъларини улар қалбига янада сингдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ёшларнинг «Қамолот» жамғармаси Юқори Чирчиқ туман бўлими ташаббуси билан Янгибозор маданият уйида «Биз Президент фарзандларимиз» мавзусида ёшлар форуми ўтказилди. Унда мактабларда таълим олаётган юқори синф ўқувчилари, туман «Бизнес мактаби» талабалари ҳамда қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар иштирок этдилар.
Учрашувда туман «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Бахтиёр Раҳимов, туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар билан ишлаш нозирлиги бошлиғи, милиция майори Мила Алимова, туман марказий кутубхонаси услубий бўлими мудираси Нуржон Серикбоевлар сўзга чиқишиб, истиқлолга юз тутган она Ўзбекистонимизнинг бугунги кундаги жамоли, унда истиқомат қилаётган фуқаролар ва ёшларнинг дунёқараши, тафаккур, маънавияти кундан-кунга узғариб бораётганлиги ҳақида тўқинлаб гапирди.
Шунингдек сўзга чиққанлар Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI-асрга интилоқда», «Кучли давлатдан кучли жамият сари», «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сингари асарлари ҳақида ёшларга тушунчалар беришди.
Тадбирга туман марказий кутубхона раҳбари раис қиз бошидан кеңиради.
Табобат оламида тасдиқланган, агар яқин қариндошлар орасида ўзаро турмуш қурилганда хотин ва эрнинг қонида ДНК коди бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги сабабли туғилмақаб фарзанд қонида авлодларда бўлган, лекин ташқи кўринишида намоён бўлмаган хасталиқлар юзга чиқади. Шу билан бир қаторда насл-насаб белгисини ўзида мужассамлаштирган хромосомаларда чалқашликлар бўлади. Охир-оқибатда аёлда тез-тез такрорланадиган бола ташлаш ҳолатлари бўлиши мумкин ёки туғилган бола жисмонан нуқсонли бўлади.
Зеро, биз авлодимизнинг соғлигини, уни жисмонан ва ақлдан баркамол бўлиши ҳақида қайғурмоқчи ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, савий-ҳаракатларимиз ҳам шунга яраша бўлмоғи даркор. Ақс ҳолда сўнги пушаймонлик азобига ўз-ўзимизни мубтало қилган бўламиз.
Шоҳида ТУРДИЕВА, врач-неонатолог.

Касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов конференциялари

Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмалари Фаргона вилоят кўмитаси конференциясида ҳисобот даври фаолиятига ҳолис ва танқидий баҳо берилди.
- Яширишнинг ҳолати йўқ, - деди ҳисобот маърузасида тармоқ касаба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси У.Сайдаметов. - Ислохот даврининг ўзига хос мураккаблиги мазкур тармоқда қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Касаба уюшма вилоят кўмитаси тармоқдаги мавжуд аҳволни таҳлил этиб «Матлуботсавдо», «Фаргона савдо» акциядорлик компаниялари бошқаруви, Вилоят бозорлар уюшмаси билан ўзаро битимлар тузиш. Ушбу ҳужжатларда тармоқ ходимларини ишсизликдан ҳимоя

ХОЛИС ВА АДОПАТЛИ БАҲО

этиш, қулай меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш дастурлари кенг ўрин олди. Лекин афсуски, тузилаётган бу битимларга жойларда ҳали етарли эътибор берилмапти. Қатор бошланғич касаба уюшма ташкилотлари унинг мазмунини ва моҳиятини тўла тушуниб етмаптилар.
Ҳисобот даврида вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитаси жамоа шартномаларини тузиш ва бажарилишини тақомиллаштириш бўйича бир мунча ишларни амалга оширди. У меҳнат жамоаларининг, ҳар бир ишчи-хизматчининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашда қаролат берувчи ҳужжат бўлиб қолишга ҳаракат қилинди. Ходимларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларда ишлаб чиқараётган маҳсулотларни устамасиз сотиш, овқатланиш қиймати арзонлаштириш, бепул қилиб бериш, меҳнат фахрийларига, қариллик нафақасидаги ходимларга, кўп болали, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, соғломлаштириш ҳаракатларини ошириш, ходимларга ҳақ тўланадиган кўшимча таътил бериш, тўй, ҳар хил маросимларга кунлар ажратиш каби имтиёзларни киритишга эришилди. Бу хайрли ишлар Қува, Бувайда, Бағдод, Езёвон, Дангара туманларида, Марғилон шаҳридаги «Саховат», Фарғонадаги «Умид», «Чўлсавдо» ишлаб чиқариш жамоаларида яхши йўлга қўйилди. Лекин, шартномаларни тузиш ва

ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТГА ОИД

(Давоми. Боши 1-бетда)
У жангарилар гуруҳининг командири Абдулазиз Йўлдошев экани аниқланди. Унинг ҳалок бўлганини Қирғизистон Хавфсизлик Кенгаши котиби П.Жонузоев ҳам тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда, жангариларнинг талафоти ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан 15 кишига етади.
Уш вилоятдаги уруш ҳаракатларида Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Чеченистон ва айрим араб мамлакатларидан ёлланганлар иштирок этаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмоқда.
Тожикистон Бирлашган муҳолифати харбий командирлари жангариларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Қирғизистон ҳудудидаги жангариларга Қоратегин зонасида, шунингдек Кабодиён ва Шаартуз шаҳарларидан қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат келиб турибди.
Тўқнаш чоғида жангарилар маҳаллий аҳолидан «жонли» қалқон сифатида фойдаланиб, уларнинг парасида жанг майдонидан



Ажиниёз тавалудининг 175 йиллиги олдидан

«Шоир - рассомлар нигоҳида»

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими қорақалпоқ халқи мумтоз адабиёти йиринк намояндаси Ажиниёз Қўсибой ўғли тавалудининг 175 йиллигига бағишлаб ана шу мавзуда кўрик-танлов эълон қилди.
Кўрик-танловга ҳозирдаёқ Оролбўйи таниқли мўйқалам усталари ҳамда ёш рассомларнинг улғу шоир, унинг замондошлари сиймолари, қадим Хива, Қўнғирот, Чимбой шаҳарлари куриинишлари, она табият манзаралари акс эттирилган асарлар кела бошлади. Танлов шоир юбилеи арафасида - шу йил декабрда яқунланади.

Яқинда Хоразм вилоятининг Янгиарик туманида тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими иш бошлади. Уш ускуналар билан тўла

Уш вилоятининг Боткен ва бошқа туманларидаги аҳоли пунктларига олиб кетилди.
Жангарилар Қирғизистон ҳудудида эгаллаб турган жойларида мустақамлашиб олишларига йўл қўймаслик учун бирлашган қўшинларнинг барча бўлиmlариди Қирғизистоннинг Уш вилояти ҳудудида суқилиб қирган жангарилар тўдаларини қуршаб олиш ва қириб ташлаш юзасидан Қўшинлар операцияларини ўтказишга тайёргарлик тадбирлари тугалланмоқда.
(ЎЗА)

Суратда: Ҳамшира Дилфўз Т.ХАМРА

Уш вилоятнинг Янгиарик туманида тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими иш бошлади. Уш ускуналар билан тўла

ПЕШҚАДАМЛАР КАТОРИДА

Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги» ширкат хўжалигининг Ўзбекистон қаҳрамони Абдували Абдурахимов бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик топширигини удалаш учун бир ҳафтадан камроқ вақт қийоғ қилди.
Қабул пунктига юз тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди. Ҳар гектар ердан ҳозирча 40 центнердан ҳосил олинди. Бригада жамоаси ҳар гектар ер унумдорлигини 50 центнерга етказишни режалаштирган.

Мехнат муҳофазаси ЙЎҚОТИШЛАРГА КИМ

Аминжон бугун ҳам одадгаддек тонг гира-ширасида уйғонди. Пешлаб ухлашгаётган ўғил-қизларга меҳр ила боқиб, эндигина 10 ёшни тўлдирган ўғлининг усти-ни чойшаб билан ёпиб қўйди. Сўнг боғ томон қичди. Лекин негадир қўли иши бормади.
- Ё, тангим, бу не ҳолат? - ўзига-ўзи савол ташлади, беихтиёр.
- Дадаси, ким билан гаплашасан? - хотинининг кўнгиракдай сасидан сесканиб тушди.
- Ҳеч сурама, шу бугун ёмон тушлар кўриб, димон гаш ўрнимдан турсам бўладими.
- Кўйинг-е, дадаси. Унда кура тушим яхшиликдан боурирган бўлсин дег-оғ, олам гулистон.
- Раҳмат. Ҳалим сен борсан.
Уша кун Аминжон, кеч кириб алламахал бўлсада, уйига қайтмади. Кутилма-ганда руй берган бахтсиз ҳодиса... У ёғини айтишга тил бормади.
Биз нега ҳаётда, кундалик турмушимизда руй берган ҳодисалардан оқилона хулоса чиқармаймиз. Нега уларни олдини олиш хусусида вақт-соатида ўйламаймиз? Аниқ тадбирлар белгилаб чиқиб, яна унинг табиқини орқага сурамиз. Нега?
Бухоро вилоят Агрое-наот тизимида бўлгани

БУЮК ИСТЕЪДОД

Қадимий манбалардан маълум бўлишича, улғу олам ва мутафаккир Мирзо Улғубек илм эгаллашда бошқа муаммоларга ўзинини четга олиш-хўшқондан ноҳуш янги-маънари олишингиз эҳти-оли ортади. Оилавий сифатлардагидек режа-лашнинг жиддий тўқ-сига учраши мумкин.
- **БАЛИҚ** — Иш эди жойингиздаги роқ жўш урган фа-олингиз пайшанбага-учу давом этади. Режа-канингизни амалга-ишида ҳиссиёт ёки-лиддий масалалар ба-баб этиши мумкин. мо-зиларни фойда-лу-сафарлар, илмий Ам-шувлар кутмоқда.

кишига сабабчи бўлиши мумкинлигини кўп марта эшитганимиз-ку ахир!
«А м у б х о р о к а-нақурилиш» бошқарма-сида дилини хира қилгу-ви ҳолатларнинг кетма-кет содир бўлиши мута-сафди ўртқоларни чўқур мушоҳада юритишга ун-даши керак.
Муроудулла ҒАФУРОВ, Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбирлари.

«ТУРКИСТОН» НАМУНАСИ

Нарпай туманидаги «Туркистон» хўжали-ги пахтакорлари Са-марқанд вилоятида биринчи бўлиб за-фар кучди. Улар 700 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, кўзланган режани бажардилар.
Далада ишловчилар учун барча зарур мада-ний-машиий шароит яра-тилганлиги, улар билан вақтида ҳисоб-китоб қи-лиш йўлга қўйилганлиги, моддий манфаатдорлик-ни оширишнинг барча воситаларидан кенг фойдаланилганлиги му-ваффақият гарови бўлди.
Миришкорлар галаба манзилига етган бўлса-да, далада терим авжи-да, оппоқ бўлиб очилиб турган қимматбаҳо хом ашёнинг бирор мисқолини ҳам қол-дирмай йнгиштириб олиш, ялли хирмонни 1000 тоннага етказиш уларнинг азму-қароридир.

МАҲАЛЛАДА КУРАНТ

Бобур номли халқаро экспедиция раҳбари Зокиржон Машрабнинг саъй-ҳаракати билан Андижон шаҳридаги Исломобод маҳалласи марказида ростмана курант ўрнатилди. У ўз жарангдор овози билан фақат исломободликларни эмас, балки қўшни Навбахор, Мирпўстин, Дўстлик маҳаллаларида яшовчи аҳолини ҳам вақтдан хабардор қилиб турибди.

Н. ШУКУРОВ

ШИФОХОНАДАН ҲУНАРМАНД БЎЛИБ ЧИҚДИ

Асакалик Абдухамид Қаюмов кўпдан бери атлас цехи очишни орзу қилиб, уни қандай ташкил қилишни билмай юрарди. Иттифоқо хасталаниб, туман марказий шифохонасига тушиб қолди.

Касалнинг тузалгиси келса табиб ўз оёғи билан қириб келаркан. Абдухамид даволанаётган палатага бир йилгитни ҳам ётқизишди. Буни қарангки, у атлас тўқувчи зўр ҳунарманд, Шаҳрихонда махсус кичик қорхонаси ҳам бора экан.

Ҳамхоналар тезда апоқ-чапоқ бў-

либ кетишди. Йигит Абдухамидни ўз уйига олиб бориб, дастгоҳларни кўрсатди, ишлаш жараёни билан таништирди. Бу ҳам камлик қилгандай, дастгоҳларидан бирини А.Қаюмовни келтириб ўрнатиб ҳам берди.

Ҳозир Абдухамид Асакада атласчи номи билан машҳур. Унинг «Гулноз» кичик қорхонасида 6 та дастгоҳ тинмай ишлаб турибди. Йилга 120-130 минг сўмдан соф даромад келтирипти. Қорхонада ишлаб чиқарилаётган «Симатлас», «Хонатлас», «Намозшом» атласлариға бозорда талаб ниҳоятда катта.

Шу кунларда Равил ака Маметовда 50дан ортиқ куён бор. Жонивор серпушт бўларкан, яхши парвариш қилинса йилга 3 марта болалаш мумкин экан. Ана, ишчан пенсионерға серташвиш ва завқли иш: ҳали сабзи, қарам, қўқ ўт олгани

УДАБУРОНГА ИШ ТОПИЛАДИ

Ишчан одам фахрийликка чиқса, ўзини қаерга уришни билмай қолади. Ҳовли-боғда яшаса бир нави: ҳар қалай дарахтларга, гулларга қараш, мол-қўй боқиши мумкин. Кўп қаватли уйнинг юқори қаватида яшаётган пенсионер нима билан шуғулланади?

Жанубий Оламушқудда истикомат қилувчи Равил ака Маметов шу ҳақда ўйланиб, қонуний иш қилишни билмай ўтирган эди, телпақдўз кўшниси бир ҳафтадан бери куён мўйнасини тополмаётгани-

дан хуноб бўлиб гапириб қолди. «Куёнчилик билан шуғуллансаммикан-а? - кўнглидан ўтказди Равил ака, - лекин қаерда боқаман уларни?» У пастга - «ерга» тушиб, атрофга қараган эди, бир сотихча ернинг ташландиқ ҳолда ётгани эътиборини тортиди. «Мана, куён боқадиган жой!»

Куён-қўшнилари ёрдами билан ўша ерға бир неча катаклар қурилади. Мўйнаси телпақбоп зотдор куёнларни ҳам қўшнилари дарақлаб топиб беришиди...

М.АБДУКАРИМОВ.

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Шундай қилиб бу фонд 1112000 АҚШ долларини ташкил этди. Бу мукофотни олиш учун кўп-кўп талабгорлар иштирок этса ҳам, лекин ҳеч қандай табиб унинг қайирига табиб қобилиятини комиссия олдида намоёйиш қила олмади. Шулар қаторида Дэвид Копперфильд ҳам ўз мўъжизасини амалда кўрсата олмади. Шу кунлари Джеймс Рэнди фонди қанча бўлди - номаълум, лекин фонд борган сари кўпаймоқда.

Илҳом ШЕРМУХАММЕДОВ тайёрлади.

Янгийул ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси меҳнатчилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда республика матбуотида эълон қилинаётган ҳуқуқшунослар ва бошқа мутасаддиларнинг мақолаларидан унумли фойдаланмоқда.

Суратда: Қорхона қасаба уюшма кўмитаси раиси Ҳамида Абдусатторова фаолларни ҳуқуқ муҳофазасига оид муҳофизат билан таништирмоқда.

О.АЛМАТОВ олган сурат.



бозорға югур, ҳали омухта ем топгани чоп. Мўйна сўраб келганлар, парҳез гўшт қидирганлар, куён боласини харид қилмоқчи бўлганлар билан савдо-сотик қил... Пул қўйгани банкга чоп...

Кейинги кунларда Равил ақанинг ўғиллари ҳам ўзларини куёнчиликка уришди. Хонадондаги аёлларга ҳам иш топилди: Равил ака ўз уйида телпақдўзлик цехини очди.

Газетхон илтимосига кўра

Маълумки, ота-боболаримиз меҳнат фаолиятларининг кўп кўп жисмоний ҳаракатда ўтказганлар. Ҳозир эса қишлар орасида камҳаракатликка мойиллик кун сайин ортиб бормоқда. Жисмоний меҳнатнинг қайта кетиши мушакларнинг камҳаракатлигига (гипокinezияга), яъни мушаклар «очлигига» олиб келади. Маълумки, мушаклар ҳаракати турли тана аъзоларининг, жумладан, асаб фаолиятининг нормал ишлашини таъминлаб турувчи омиллардан биридир.

Кишининг асаб фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан яна бири инсон бош миясига келаётган ахборотларнинг ниҳоятда кўпайиб кетишидир. Бу эса инсонда ангилликларни пухта ўзлаштириш учун куч-қувват сарфлашнинг, асаб зўриқшини тақозо этиб, тез чарчатиб, унинг бир тарзда нормал ишлашини издан чиқаради. Бунинг натижасида кўпчилик одамлар асаб касалликларига учрайдилар.

Киши организмидеги қайси бир аъзо зўриқиб ишласа, тез дардга чалинади. Бу табиат қонуни. Асаб бузилиши дарди тиббиётда невроз (асабийлик) касаллиги деб аталиб, унинг неврозастения, психастения, миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози, истерия каби турлари кўпроқ учрайди.

Кўпчилик невроз касалликлари асаб тизимининг заифлашуви натижасида ривожланади. Жисмоний ва ақлий жиҳатдан қаттиқ чарчаш, бирорта инфекция (грипп, ангина ва ҳоказолар), ички органларнинг узок вақт касаллигини (томирларнинг бузилиши, овқат ҳазм қилиш органларининг касаллигини) неврозларнинг ривожланишига сабаб бўлиб, ёшга алоқадор ҳар хил касалликлар ҳам асаб тизимини-

ҳаракатланиши миандан кетмайдиган ҳолатлар неврозининг негизи бўлиб хизмат қилади, шунинг натижасида ҳар миандан кетмайдиган ҳолат иродага бўйсунмайди, бинобарин, бемор ўз касаллигига қарши кураша олмайди. Организмнинг умумий заифлашуви шу неврознинг ривожланишига алоқадор шариот яратади. Миядан кетмайдиган ҳолатлар тўғиб ухламаганда, организмда ҳар хил физиологик ўзгаришлар бўлганда (ҳайз кўрган пайтда, климакс даврида ва ҳоказо) кў-

пчилик кишилар ташқи қиёфасидаги (бўйин ва юз терисидеги) ҳар хил нуқсонли доғлар, сочининг оқариб, тўкилиб бориши ва бошқалар), шунингдек, жинсий ҳаётнинг ўзгаришига жуда қаттиқ қайғурдилар.

Буларнинг оқибатида доимий ҳавотирланиш, ваҳима, кўрқув, уйқусизлик пайдо бўлиши мумкин. Ваҳима барча ёшдаги инсонларда ҳар хил руҳий ҳолатларда турлича намоён бўлиши аниқланган. Ақсарият кишиларга озор берадиган нарсалардан бири бевақт ва беҳуда

рида кўринадди. Фобия кишиларда турли шаклларда намоён бўлади. Фобия - кўрқув пайдо бўлишдан доимо ҳадиксираб ёки қўрқиб юриш, кардиофобия - юрак тўхтаб қолишидан ваҳимага тушиб манзараси юзага келади, айқмофобия - пичоқ, қайчи, тўғноғич ва бошқалар ўткир асаблардан (худди танасига қадаладигандек) қўрқиб, нозофобия - бирор касаллик билан оғриш ёки уни юктиришдан қўрқиб, танатофобия - ўлимдан ваҳималаниш, клаустофобия - одам кўп тўплар жойлар ва транспортда юришдан қўрқиб, монофобия - ёлғизликдан қўрқиб, гидрофобия - сувдан чўчиш - кутуриш касаллигининг аломатларидан бири, эретофобия - қизариб кетиш, уялиш ва ҳоказолар. Фобияда бемор доим кўнгли гап, паршонхотир бўлиб, тушунлиққа тушади, кўпчилик ваҳима, кўрқув таъсирида ўзини ҳимоя қилаётгандек беъмаани хатти-ҳаракатлар (масалан, юқумли касаллик юқмаслиғи учун ўзини ҳаддан зиёд озода тутиш, вақт-бевақт ювина вериш ва бошқалар)га одатланади. Қаттиқ чарчаш, қўрқиб ёки бахтсиз ҳодисалар натижасида соғлом кишиларда ҳам баъзан вақтинчалик фобиялар юзага келади. Масалан, француз императори Наполеон ўта доворак бўлишига қарамай, мушукдан қўрқар, улуг шоир Шиллер эса ўлимдан қаттиқ қўрқар ва доимо ўзини ўлиб қолаётгандек ҳис қилар экан ва ҳоказо.

НЕВРОЗ (АСАБИЙЛИК) ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИШ

бати гоят муҳим аҳамиятга эга. Асаб тизими заифлашган киши ҳар хил танбеҳларни ўзига жуда каттиқ олади, бундай танбеҳлардан у жуда эзиледи. Дил оғриши, ранжиш асаб тизими заифлашгани, холдан тойганининг биринчи белгилари ҳисобланади.

Масалан, утмишда бошдан кечирилган эмоционал хаяжон кўп йиллардан кейин, асаб тизими заифлашган пайтда кўрқув, ваҳима типидеги миядан кетмайдиган неврознинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Ёки неврастения «асаб заифлиги» бор бемор ҳаммаша зўриққан ҳолатда бўлади. Ниҳоятда жўн одатдаги шароитларда ҳам зўриқиб ва ваҳима кучайиб кетади ҳамда бундай беморларнинг ўз хат-

ти-ҳаракатини идора қилиши қийинлашади. Олимларнинг таъкидлашича, неврознинг психастения тури, одатда, «Фирклович» типидеги кишиларда пайдо бўлади. Психастения билан оғриган беморларнинг характери ҳусусиятлари ўзига ишонмаслик, ҳар нарсадан шуб-

ҳайиб кетади. Олимларнинг фикрича, невроз касалликларини фақат руҳий шикастларининг келтириб чиқармайди. Невротик бузилишлар деярли кўпчилик климатик турли бузилишларга, ҳусусан, асаб-руҳият доирасидаги бузилишларга сабаб бўлиши кузатилган. Ваҳима, кўрқув, тажанглик, тушқунлик безовта қилади. Юқорида баён этилган невротик аломатларнинг пайдо бўлишига касалликлар, ёлғизлик, истикболсизлик, яқинлашиб келаётган қарилик, ўлимдан қўрқиб қўтулиб бўлмастик тўғирисидеги ноҳуш фикрлар, турли кечинмалар сабабчи дир. Бунинг устига-устак,

ваҳимага тушиб қўрқибди. Олимларнинг текшириши натижасида маълум бўлишича, ҳар тўрт кишининг бирида мазкур иллат мавжуд экан. Рўқий касалликлар мутахассислари тили билан айтганда, бу иллат номи «фобия» деб аталади. Бу эса юнонча «Фобус» деган сўздан олинган бўлиб, маъноси «қўрқиб демакдир».

Фобиялар, бемор онгига ўрнашиб қолган кўрқув, чўчиш, ваҳима ҳисси, психопатологик ҳолатлардандир. Олим ва шифокорларнинг фикрларича, фобиялар кўпчилик руҳий касалликлар (жумладан, шизофрения)да бошланғич белги, неврозлар ҳамда психастениянинг асосий белгиси ҳисобланади. Қўрқув ва ваҳима ҳисси бемор сезги ва хатти-ҳаракатла-

Омбудсман ҳузурда МУАММО ЖОЙИДА ХАЛ ЭТИЛАДИ

Яқинда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили ҳузурда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича Комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан ушбу Комиссиянинг кейинги фаолиятига доир масалалар, жумладан, аёлларнинг ёш авлодини тарбиялаш, уларнинг жамиятдаги ва давлат ишларида тўғатган мавқеини ошириш каби долзарб вазифаларнинг бажарилиши ҳусусида тўхталиб ўтилди. «Аёллар йили» давлат дастурига биноан мамлакатимизда улар ҳуқуқларини таъминлашга доир қонунларнинг бажарилиши юзасидан республика доимий тарзда назорат олиб борувчи мониторинг тизими ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу ишлар хотин-қизларнинг ҳудудлардаги кўмиталари ва Омбудсманнинг жойлардаги вадиклари ёрдамида амалга оширилмоқда. Комиссия йиғилишида ана шу йўналишда олиб борилган ишлар натижалари чуқур таҳлил этилди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси XV сессиясида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича Комиссия таркибининг унинг ҳудудлардаги вакиллари ҳисобидан кенгайтириш юзасидан қарор қабул қилинди. Ундан қўзланган мақсад Омбудсман институтининг жойлардаги вакиллари Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилига мурожаат қилмоқчи бўлган пойтахтдан узоқда жойлашган фуқароларнинг сарсон бўлмасликларининг олдини олишга қаратилгандир. Эндиликда Омбудсманнинг ҳудуддаги вакиллари фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир масалаларни жойларда туриб ҳал этадилар. Агар масалалар ечимли Республика Марказий органлари аралашуви талаб қилган ҳолларда Омбудсманнинг жойлардаги вакили фуқароларнинг мурожаатини ўз ҳулосаси билан биргаликда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили Котибиятига жўнатади.

Йиғилишда Комиссиянинг жойлардаги вакиллари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Омбудсман фаолиятига доир иш услуби принциплари ва вазифалари тушунтирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, бошқа давлат органлари, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга бағишланган ўқув семинар гоят самарали бўлди.

Дилором АЛЛАКУЛОВА.

«Ишонч»га жавоб берадилар ВАЗИФАСИДАН БЎШАТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 18 июн сонидеги «Ерга ачинаман, ерга» сарлаҳали мақола чоп этилган бўлиб, унда Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номи деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмасига қарашли бир неча гектар ер унга эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган Исмомил ота Саимовдан фермер Т.Ашуровага олиб берилганлиги, ушбу муаммони ҳал қилувчи мутасадди ташкилотлар эса ҳатто туман прокурори протестидан кейин ҳам пинак бузишмаётгани ҳусусида танқидий фикрлар баён қилинган эди.

Газетамизнинг ушбу чиқишига Пахтакор туман ҳокими биринчи ўринбосари Олимжон Маматкулов имзои билан жавоб хати келди. Унда қайд этилишича, И.Саимовнинг таҳририятга йўллаган шикоят хатини ўрганиб, тегишли чора кўриш учун махсус комиссия тузилган. Комиссия ишига А.Икромов номи ҳўжалик мутахассислари ҳам жалб этилган. Текшириш натижасида комиссия Т.Ашурова фойдаланган 50 гектар ерни ҳўжалик ихтиёрига ўтказишга қарор қилди. Ҳўжалик раҳбари Р.Бектемиров эса ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарагани сабабли эгаллаб турган лавозимидан бўшатилади. Ҳўжалик янги раҳбар зиммасига И.Саимовга тегишли бўлган ер қайтариб берилишини таъминлаш вазифаси юкланди.

OLAMDA NIMA GAP NYU-YORK. Олтин бўйича Жаҳон кенгаши Буюк Британиянинг 21 сентябрда ўз олтин захирасининг бир қисмини сотиш бўйича иккинчи босқич кимшоиди савдоси ўтказиш режасини қоралади. Кенгаш директори Ҳаруко Фукуданинг таъкидлашича, жаҳон ҳамжамиятининг норозилигига қарамай, Буюк Британия молиячилари мамлакат захирасининг бир қисмини сотмоқчи. Бу эса олтин ишлаб чиқарувчи ривожланаётган давлатлар иқтисодига салбий таъсир кўрсатади.

7 май куни Буюк Британия 715 тоннадан иборат олтин захирасининг 415 тоннасини сотади, 21 сентябр куни ўтказиладиган кимшоиди савдосига унинг 25 тоннаси қўйилишини эълон қилган эди. Шундан сўнг жаҳон бозорида олтин нархи анча тушди.

БЕРЛИН. Германия бундестагининг иқтисодий бўйича кўмитаси раиси Матиас Висман федерал ҳукуматнинг мамлакатдаги барча атом электр станцияларини ёпиш тўғрисидаги режасини танқид қилди. «Дойчландфунк» радиоси санаоти ривожланганлиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринни эгаллаб келаётган Германия обрўсига путур етказиши мумкинлигини айтди.

КОПЕНГАГЕН. Австриянинг Даниядаги элчихонаси биноси ичига номаълум шахслар томонидан ёқилғи тўлдирилган ишшлар ташланди. Натижада бино анча зарар кўрди. Элчихона ходимлари орасида жароҳатланганлар йўқ.

Ҳозирча элчихонага ўт кўйишга уринган шахсларнинг шахси аниқлангани йўқ. Дания ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати вакиллари, бу ҳодиса «Роте армее фракцион» ташкилотига аъзо бўлган террорчи Хорст Людвиг Майернинг Венада полициячилар томонидан отиб ўлдирилиши билан боғлиқ, деб ҳисобламоқда.

АНКАРА. Туркия махсус хизмати вакиллари Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Диннига суқасид уюштирмоқчи бўлган террорчинини ҳибсга олди. Тунислик Меҳрез Амдоунининг халқаро террорчи Усама бин Ладен билан алоқаси бўлгани аниқланди. У Италия полицияси ва Интерпол томонидан қидирилаётган эди.

«Оқшом» газетасининг ёзишича, М.Амдоун қалбаки паспорт билан Истанбул аэропортига қираётганида қўлга олинган.

ТЕХРОН. Эроннинг Машҳад шаҳрида бомба портлаши оқибатида икки киши ҳалок бўлди ва ўн киши яраланди. Улардан сақиз нафарининг аҳволи оғир. Портлашдан сўнг Машҳадда террорчиликка қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди.

(УЗА)

OLAMDA NIMA GAP Saфар МУХАММАДИЕВ, доцент.

Хеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машхур қила олмайди. Ислон КАРИМОВ.



Маня ниҳоят дилларга ҳаяжон ва қувонч улашган теннис буйича «Президент кубоги» Халқаро турнири ҳам ниҳоясига етди. Чинданда бу турнир кашфиётлар турнирига айланди. Жорж Бастрл, Даниел Вацек, Иво Хойбергер каби янги номлар, янги юлдузлар кашф қилинди. Мухлисларни ҳайрат уммонига етаклаган нарса шу эдики, жаҳоннинг энг номдор теннисчилари Жан Крослак (13), Марат Сафин (35), Седрик Пиолин (16), Карол Кучера (20), Грег Руседски (7)лар биринчи давра ўйинларидаёқ томошабинлар қаторидан ўрин олишди. Ҳамма бирдек россиялик «олтин копток» устаси Евгений Кафельниковни турнирнинг шубҳасиз голиби дея баҳорат қилганди. Бирок, чехиялик Даниел Вацек мухлисларнинг бу ўйларни хомхаёл эҳкалнинг исботлади. Америка очик ўйинларида руҳан ва жисмонан анча толиққан Кафельников турнирда ҳаммадан кеч келиб, ўйинларни эртароқ тарк этишга мажбур бўлди. Барибир у дилидагини журналистлардан яшириб ўтирмади: «Маълумки, нуфузли мусобақаларда кўп зафар қучганман. Ниҳоятим, «Дэвис кубоги»ни кўлга киритиш ва олимпия чемпиони бўлиш эди. Бунга «Президент кубоги» ҳам қўшилди. Демак, мен Тошкент-

га келавераман. Бош совринни кўлга киритиб, юртбошингиз ишончини оқлашга ҳаракат қилавераман».

Уч йилдирки, Кафельников «Юнусобод»дан армон билан қайтмоқда. Балки шу нарса сабабдирки, у кейинги йил ҳам «Президент кубоги» Халқаро турнирида қатнашиш ва албатта галаба қозонишига ишора қилиб кетди.

Хуллас, Кафельниковнинг орзуларини армонга айлантирган Д.Вацек Сричафани ҳам доғда қолдирди ва ярим финалга чиқиб олди. Лекин омад ҳамма вақт ҳам чопавермас экан. Васекни тақдир шиддат билан барча рақибларини «яқсон қилиб» марра сари дадил одимлаётган Николас Киферга учраштиради. Финляндиялик Томас Кетела швейцариялик Лорензо Манта, америкалик Чекил Мамитларни бу эзгу мақсад йўлида «қурбон қилган» Николас Кифер Даниелни ҳам аяб ўтирмади.

Қатнашчилар рўйхатининг иккинчи ярмида ҳам шундай жараён давом этаётган эди. Саралаш босқичидан асосий таркибга қўшилган швейцариялик Жорж Бастрл барчани ҳайратга солиб, марра сари интиларди. У дастлабки рақибни ҳамюртимиз Олег Огородовни 7/6 (5), 6/2 ҳисобида, 1997 йилги Тошкент турнирининг финалчи Марк Россени 6/3, 7/6 (4) ҳисобида мағлубиятга учратди. Нидерландиялик Питер Весселз (92) ярим финалда Жорж Бастрлнинг финалга чиқишига «йўл очди»: 6/4, 6/3.

Ажабо, «Юнусобод» кортлари теннис даргалари билан ҳазиллашяётгандек эди, гўё, 1/32 босқичдан омон ўтган номдор ракетка усталари 1/16 босқичга кел-

КАШФИЁТЛАР ТУРНИРИ

либ «тўкилди». Марк Россенинг тақдирини ҳам Е.Кафельниковга ўхшаш. У ўз ҳамюрти, ҳам шогирди Жорж Бастрлга имкониятни бой берди: 6/3, 7/6 (4).

Бу не сир-синаот, юлдузларнинг сўнишими ёки Тошкент янги юлдузлар кашф этаётганлигидан да-



рақми бу?! Чиндан ҳам бу турнир етишиб келаётган ёш теннисчилар учун жаҳон рейтингидан муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилаётган эди. Чехиялик Даниел Вацек, швейцариялик Иво Хойбергер ва Лорензо Манта, нидерландиялик Питер Весселзлар учун бир умрлик ёдда қоладиган турнир бўлди бу. Нуфузли мусобақаларда бундай улкан муваффақиятларга эришмаган Бастрл учун «Юнусобод» «мўъжиза майдони»га айланди. Турнир уни ярим финалгача етаклаб келди. Хатто Жорж Бастрлнинг ўзи ҳам бундан кутмаган эди. Бу шубҳасиз турнирнинг кашфиёти швейцариялик ракетка билан беллашиш керак.

устаси Жорж Бастрл эди. Томошабинлар дилида ҳам шу ният йўқ эмасди. Улар бу турнир янги бир юлдузни кашф этгани билан овоза бўлишини чин дилдан исташарди. Аммо, биринчи сет зўр маҳорат билан ўйнаётган, тақдор айтиш мумкин бўлса, «Президент

кубоги»нинг голиби бўлиш чин дилдан ният қилиб чиққан германиялик ракетка устасининг фойдасига ҳал бўлди. Бастрл нидерландиялик рақибини қандай ютган бўлса, биринчи сетда худди шундай ҳолат такрорланди: 6/4. Иккинчи сетда ҳисоб 4/2 га етганда ўйин тақдирини ҳал бўлган турнир бўлди. Шундай бўлди ҳам. Ҳисоб: 6/2.

Шундай қилиб, зарҳал харфлар билан теннис тарихига битилажак яна бир ном аниқ бўлди. Бу - **Николас Кифердир**. Бу теннис юлдузи 1977 йил 5-июлда Германиянинг Хольмштинден шаҳрида туғилган. Ҳозирда Сиверсхаузенда истиқомат қила-

ни забт этди.

Шундай қилиб, бир ҳафта давом этган (11-18 сентябр), қалбларга олам-олам қувонч ва сурур олиб келган, «АТР Тоиг»нинг энг нуфузли, йирик мусобақалардан бири дея эътироф этилаётган «Президент кубоги» Халқаро турнири ҳам ўз ниҳоясига етди. Бу йилги турнирдан маълум бўлдики, келгуси йили тождорлик учун курашувчилар сони энг сара юлдузлар ҳисобига кўпаяди. Бу рўйхатнинг бошини россиялик теннисчиси Е.Кафельников эгалласа, бу йилги мусобақаларга соғлиги ва анча толиққан йилги сабаб бўлиб, келолмаган икки карра «Президент кубоги» голиби Тим Хенман ҳам даъвогарлик қилмоқда.

Бизнинг муваффақиятимиз шундаки, жаҳоннинг энг кучли теннисчилари Тошкент турнирида иштирок этиш истагини билдирмоқдалар. Бу эса «Президент кубоги»нинг мавқеи йилдан-йилга тобора ошиб бораётганлигидан далолатдир. Энди барча юлдузлар келгуси йил ўтказиладиган турнирни соғиниб қутишлари аниқ.

Танишинг, «Президент кубоги» голиблари:
1994 йил - Ч.Адамс (АҚШ)
1995 йил - Х.Арресе (Испания)
1996 йил - Ф.Манттия (Испания)
1997 йил - Т.Хенман (Буюк Британия)
1998 йил - Т.Хенман (Буюк Британия)
1999 йил - Н.Кифер (Германия).

НОЁБ ТОПИЛМА
Ниҳоят канадалик олимпия 1955 йили Саскачеван худудидан археологлар топган, қотиб минералларга айланган гўн парчасини Тирано-заврга тааллуқли эканлигини аниқлашди. Уларнинг фикрича, бу ноёб топилма 65 миллион йил олдин яшаб келган мавжудотларнинг емишлари нимадан иборат эканлигини аниқлашга ёрдам беришига ишончлари қомил. «Парчанинг» вази ҳаммани лол қолдирди, ахир у нақ 7,1 килограмм эди-да! Аммо, бу қадимги жониворнинг бўйи 20 метрлиги, узунлиги - 30 метр, оғирлиги бўлса 6 тоннадан ошиқлиги инobatта олинса, иштаҳасининг чакки эмаслигини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Иштаҳага қараб, пировардида қандай «ҳосил» олинши ҳам маълум. Ҳар ҳолда синчков олимпларга қовлаштириш учун «иш» топилди.

«ЧОРТОҚ» СИҲАТГОҲИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Бу ерда суяк-мускул тери системаси, овқат ҳазм қилиш органлари, тери, гинекологик касалликлари билан келган беморлар даволанишади. Уларга махсус ҳаво, қуёш, ваналар қабул қилиш ва ичиш учун минерал сувлар, шунингдек, сунъий сульфидли шифобахш балчиқлар буюрилади. Парафин, мануал терапия, игна билан даволаш, сув ости массажи, физиотерапиянинг турли усуллари, даво физкультураси, пархез таомлар билан даволаш ва психотерапия қўлланилади.

Республикада ягона умуртқа поғонасини тик турган ҳолда тортиб даволаш ўтган йилдан бошлаб қўлланилмоқда.

Улкан дарахтларнинг соя-салқинида ва гулзорлар қўйнида 7 та икки қаватли дам олиш корпуси, ёзги коттежлар, ошхона, ташхис, даволаш физкультураси бўлимлари, шифобахш ичимлик сув галереяси, қуёш ва ҳаво қабул қилиш жойи, ҳашаматли маданият саройи, кутубхона ва бошқалар қишин-ёзин дам олувчилар хизматида.

Санаторийга нақд пул тўлаш ёки пул ўтказиш йўли билан йўлланма олиш мумкин.

Мулоқот учун телефонлар: (8-36922) 6-25-65 (8-36941) 2-32-61, 2-61-35

Манзил: Наманган вилояти, Чортоқ тумани, «Чортоқ» сиҳатгоҳи Наманган - Чортоқ маршрутли автобус билан борилади.

«Баскетбол», «гандбол», «ватерпол», «моторбол» каби сўзларнинг ҳаммаси «бол» кўшимчаси билан тамомланади. Бу кўшимча аслида инглизча сўздан олинган бўлиб, «тўп» деган маънони билдиради. Қолган сўзларнинг асоси эса киши гавдаси аъзоларининг ҳаракатини, ўйнаш муҳити ёки ўйнаш асбобларини билдиради.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбек ва Ҳинд кино усталари ижодий ҳамкорлиги туфайли қатор бадий фильмлар яратилгани бизга яхши маълум. Айниқса, «Алибобо ва қирқ қароқчи» деб номланган эртак асосида суратга олинган кўп қисмли бадий фильм ўзбек санъаткорларига бўлгани каби Ҳинд кино усталари учун ҳам ижодий ютуқ келтирди.

«Ўзбекфильм» киностудияси бу ижодий аънъани яна давом эттириб, навбатдаги экран асарларини суратга олишни режалаштириб қўйди. Ана шу ўзаро келишувга биноан Ҳинд кино санъати намояндаси билан биргаликда «Мафтункор севи» деб номланган янги бадий фильмин яратиш тарафдори кўрилмоқда.

Мазкур экран асарини суратга олишда Ўзбекистон ва Ҳиндистондаги кўзга кўринган артистлар жалб этилади.

НОДИР АСАР ПАРИЖДА САҚЛАНМОҚДА
Амир Темури давридаги улкан рессомлардан бири ҳисобланган Пирахмад Боги Шамолӣ Абдулҳаё замондошларининг ижодий аънъаналарини давом эттирди. У Амир Темурнинг Боги шамол саройини суратлар билан беэаган. Шу сабабли ҳам мажур жой номини узига тахаллус қилиб олган.

Амир Темури иродасининг ҳозир Истамбулдаги Юлдуз кутубхонасида сақланаётган турли ҳужжатлар орасида жанг манзараси тасвирланган бир расм бор. Унда Самарқанд қалъа деворини XV асрга келиб ўрта Осиёда тошга нақш иш-лаш санъати мисли кўрилмаган даражада ри-вож топди. Боғларнинг мармар панжаларига, қабр тошларига ҳам турли-туман шакл ва гуллар ни-ҳоятда нозик дид билан ўйиб солинган.

Самарқанддаги қабр тошларига оқ ёки кўнгир мармар ишлатилган (фақат Темури макбарасигина нефрит билан қопланган).

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламурадов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатла бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.00